*Безовта ўйлар*

# ОҒРИҚ НУҚТА

**Ўтган ҳафтада барча марказий нашрларда кичкина бир хабар босилди. «Босқинчилар ҳужуми» сарлавҳасида берилган бу машъум воқеани билган билди, билмаганлар бошқалардан эшитди. Энг даҳшатлиси, бу хуруж натижасида уч милиционер, уч фуқаро ҳалок бўлди. Бу воқеа халқимизни терроризмнинг совуқ башарасига яна дуч келтирди.**

**Оққандан эмас, томчилагандан қўрқ, деган нақл бор. Томчилагани билинмайди. Билинтирмасдан тошни-да ёради. Ҳамма замонларда бутун бошли қўшиннинг енгилишига уларнинг орасидаги сотқинлар сабабчи бўлган. Ичимиздаги душманлар ҳар онда ҳар нафасда кўзимизга чўп суқишга ҳозиру нозир турган душманлар. Булар ҳамма халқлар, барча давлатлар ичида кезиб юрибди.**

**Президентимиз Истамбул саммитида терроризмга қарши кураш халқаро марказини ташкил этиш ҳақидаги таклиф билан чиқдилар. Ушбу таклифнинг нақадар аҳамиятли эканлигини тинчликсевар кишилар чуқур англаб етишлари зарур ва шарт.**

**Терроризм — дунёнинг оғриқ нуқтаси бўлиб қолди. Терроризмга қарши курашувчи халқаро марказ тузилса ана шу оғриқ нуқтанинг сайёрамиз танасидан халос қилиниши ҳаётий ҳақиқатга айланади.**

## БЕГОНАЛАР

Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Кимлардир қизғин суҳбат қуряпти. Кимдир деразадан ташқарига қараб хаёл суриб кетяпти. Шу пайт йўловчи аёлнинг огоҳлантирувчи овози янгради:

— Бу кимнинг сумкаси!

Лекин сумканинг эгаси йўқ эди. Ҳайдовчи троллейбусни тўхтатиб, сумкани ерга олиб тушиб текшириб кўрди.

— Кимдир унутиб қолдирибди, — деди хотиржам тортиб. Йўловчилар енгил тин олди.

— Шунгаям ваҳимами? — дея тўнғиллади улардан бири.

— Ҳозир бунақа «унутиб қолдириш»ларга ишониб ҳам бўлмай қолди, — дея ўзини оқлади сумкани биринчи бўлиб пайқаган аёл.

Албатта-да. Кемага тушганнинг жони бир. Нафақат троллейбусда, балки ҳамма ерда ҳушёр нигоҳ жуда керак. Аёлни хижолат қилиш эмас, балки ундан ўрганишимиз керак.

Бекатда анчагина одам тўпланган эди. Саккиз ёшлардаги болакай нимадир солинган целлофан халтани бекатнинг ёнига қўйиб, ўзи ортига қараб югурди. Уни кузатиб турган бир йигит шартта қўлидан тутиб:

— Нимани ташлаб кетяпсан, — деди унга. — Қани юр-чи! Халтангни бирга қараб кўрайлик!

Болакай уйидан олиб чиққан пўчоқларни ҳамманинг кўз ўнгида ташлаб кетаётган экан. Уни тўхтатган йигит, биринчидан, болакайга ахлатни қаерга ташлаш кераклигини ўргатиб қўйди, иккинчидан, йўловчиларнинг ҳаётига бефарқ эмаслигини, ҳушёрлик намунасини кўрсатди.

Телевидениеда кўрган бўлсангиз керак. Яхшигина кийиниб олган бир аёл одамларнинг ҳушёрлигини синаш учун қўйилган қўғирчоқни шартта олиб, сумкасига солиб кетди. Агар ўша қўғирчоқни ғаламислар қўйган бўлганда-чи! Ахир унинг ичига бир хонадоннинг кулини кўкка совурадиган портловчи моддани бемалол жойлаштиришлари мумкин эди-ку!

Ана сизга бизнинг кўзгудаги аксимиз.

Бугун биз уйимизда, ҳовлимизда, яшаётган жойимизда БЕГОНА нарсаларни пайқашимиз ва дарҳол ЭҲТИЁТЛИК ила текшириб кўришимиз лозим ва шарт бўлиб қолди. Бу ўзимизнинг, фарзандларимиз, ёру биродарларимиз ва энг муҳими, Ватанимизнинг тинчлиги кафолатидир.

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Ўтган йили Халқаро Соғлиқни Сақлаш ташкилоти соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалаларига бағишланган ўқув-семинар ўтказди. Ўшанда қатнашчиларга савол берилди:

— Сиз кеча ва бугун соғлигингизга зарар етказадиган, ҳаётингизга хавф соладиган иш қилдингизми?

Бу саволга қатнашчиларнинг берган жавобларини эшитинг:

— Ишга келаётиб, кўк чироқ ёнмай туриб йўлни кесиб ўтдим. Оқибатда машина уриб кетишига сал қолди.

— Кеча чекувчилар даврасида ўтирдим.

— Иш жойимда ўта асабийлашдим.

— Компьютер олдида кўп ўтирдим.

— Туғилган кунда меъёрдан ошиқ ичиб, кечаси билан мижжа қоқмадим...

Аёнки ҳаётимиз учун нима зарарлигини яхши биламиз. Фақат ўзимизга беэътибормиз. Кўнгилчанлик қилиб, ихтиёр-беихтиёр ўзимизга жабр қиламиз.

Ушбу тадбир инсонни ўзига ҳисоб бериб туришга ўргатди. Юзимизга ойна тутди. Унда — турмуш юмушларига кўмилиб, соғлиги ҳақида қайғуришни унутган ўзимизни кўрдим.

Бугун эса ҳаёт олдимизга яна бир вазифани кўндаланг қилди. Ҳушёрлик ва яна ҳушёрликни! Бу ҳар биримиз учун муҳим бўлган, ватанимиз тинчлигини сақлашдаги зарур хислатдир.

## ЁШЛАР, ЁШЛАР...

Пойтахтнинг Чилонзор тумани маънавият ва маърифат кенгаши Мирзо Улуғбек номли боғда «Ёшлар ва маънавият» мавзуида тадбир ўтказди. Унга талабалар, ўқувчи ёшлар таклиф этилган эди. Баъзи ёшлар учрашувда сўзга чиққанларнинг гапларини тингламас, ўзи билан ўзи овора эди. Фақат саҳнага қўшиқчилар таклиф қилинишини талаб қилардилар. Афсуски, ҳаёт фақат куй-қўшиқдан иборат эмас.

Президентимиз Москвада нашр этиладиган «Время МН» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида айнан ўша ёшлар ҳақида гапиргандек:

— Мени ҳудудни босиб олиш мақсадида амалга оширилаётган ташқи қуролли тажовуз хавфи эмас, балки мияси заҳарланган ёшларни ўзлари ўсиб улғайган шаҳар ва қишлоқларни портлатишга ўргатадиган плацдарм ва базаларни бунёд этишни мақсад қилиб олган диний экстремизм экспансияси хавотирга солмоқда.

Демак, душманларимиз ўзимиздан чиққан болалар, ёшларимизнинг онгини заҳарлаб уларни хоинлик йўлига тортишга ҳаракат қиладилар. Юқоридаги каби тадбирлар билан ёшларга таъсир этиб бўлмайди. Ундан кўра устоз мураббийлар ҳар ҳафтада икки-уч мартадан ётоқхонада, бир пиёла чой устида суҳбат ўтказсалар, ёшларни ўз қанотларига олсалар ўта фойдали иш қилган бўлардилар. Ота-оналар ҳам ўғлим ўқишда, деб хотиржам юрмасдан, уларнинг шарт-шароитларини ўз кўзлари билан кўриб, юриш-туришидан бохабар бўлиб туришлари керак.

Акс ҳолда сувда оқиб бораётган фарзандини қутқара олмай, фарёд чекиб қолаверган онанинг аҳволига тушадилар.

Тарихга назар ташласак, Алишер Навоий 9 ёшда битган ғазали билан устозини ҳайратга солган. Заҳириддин Бобур 12 ёшида тахтга ўтирган. Босқинчи мўғулларни зир титратган Султон Жалолиддин 21 ёшда эди. 20 ёшга кириб-кирмасдан ғанимларнинг нағорасига ўйнаб, Ватанига қарши тиғ кўтарган ёшларни ким деб аташ керак?!

## ЧЕГАРА

XX асрнинг охирига келиб террорчилик ҳаракатлари авж олди. Гаровга олишлар, тинч аҳоли яшайдиган уйларни портлатишлар ҳар қандай кишининг қалбини ларзага солмоқда.

Марказий Осиё мамлакатларида, хусусан Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистонда бундай воқеалар камдан-кам учрайдиган ҳодиса эди. Энди эса ўша ёвуз кучлар бу ерларга ҳам террорчилик ва диний экстремизмни олиб киришга уринмоқдалар.

Телеэкранда жиноятчилар тўдасининг гаровга олинган болаларнинг сочини юлгани, қийноққа солганликлари кўрсатилди. Наҳотки, ана шу қонхўрликни кўриб, жимгина кузатиб туриш мумкин? Улар инсон қиёфасидаги ваҳшийлар, инсонийлик чегарасидан чиққан кимсалардир.

Чегара — ҳар бир инсоннинг иймон, эътиқод қўрғони. У — кўнгилда, у — юракда. Демак, дунёнинг қай бир чеккасида бўлмасин болаларга, бегуноҳ одамларга қаратилган ваҳшийлик эзгу ниятли ҳар бир инсоннинг чегарасига тааллуқлидир.

Тошкент вилоятининг Янгиобод аҳоли пункти яқинида бўлган воқеалар ўзини чин инсон ҳисоблаган, яхшиликка, яхшиларга, уларнинг эзгу ишларига хайриҳоҳ инсонларни бефарқ қолдирмайди. Бугун бефарқ бўлмаган кишиларнинг ҳар бири эзгулик чегарасини бузишга журъат қилган ёвуз кимсалар билан курашмоққа тайёрдир.

**Абдураҳмон ЖЎРА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Нима? Қачон? Қаерда?*

# ОЛАМГА БИР НИГОҲ

## ҚАЙСАРЛИК ЯХШИЛИККА ОЛИБ БОРМАЙДИ

*Шарҳловчи минбари*

Куни кеча БМТ Хавфсизлик кенгаши Афғонистон бўйича навбатдаги баёнотини эълон қилди. Унда "Толибон"га нисбатан яна бир резолюция қабул қилиш эҳтимоли борлиги ва бу ҳужжат гиёҳванд моддалар билан боғлиқ муаммоларга тааллуқли бўлиши айтилган.

Бундан аввал, БМТ Хавфсизлик кенгаши "Толибон" ҳаракатига "террорчиларнинг отаси" деб таъриф берилаётган Усама бин Лодинни халқаро судга топшириш талабини қўйган эди. Яъни, толиблар АҚШнинг Кения ва Танзаниядаги элчихоналарини портлатишда айбланаётган халқаро террорчи Усама бин Лодинни 14 ноябргача халқаро судга топширмаса, уларнинг хорижий банклардаги ҳисоблари ёпилиб, Афғонистонга халқаро самолёт қатнови тўхтатилиши кўзда тутилганди. Шунга қарамай, толиблар бин Лодинни халқаро суд ихтиёрига топширишдан бош тортди. Улар АҚШни бутун мусулмон оламининг душмани атаб, халқаро ҳамжамият фикрини чалғитишга уринмоқда.

Хўш, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг "Толибон" гуруҳига нисбатан қабул қилинаётган резолюциялари фақат халқаро жиноятчи Усама бин Лодин туфайлими? Агар шундай бўлса, резолюция биргина АҚШ талаби билан қабул қилинган, деб тушунилиши мумкин. Аслида эса ундай эмас. Бордию шундай бўлганда, халқаро террорчилик биргина Оқ уйни ташвишга солаётгандек кўринарди. Бироқ бу иллат айни пайтда халқаро ҳамжамиятни бирдек ташвишга солаётир. Шу боис толибларнинг халқаро террорчилик билан алоқадорлиги дунё жамоатчилигининг якдил норозилигига сабаб бўлмоқда. Сўнгги йилларда дунёнинг турли бурчакларида юз бераётган қўпорувчилик ва қуролли можаролар, хусусан, Шимолий Кавказ, Тожикистон, Қирғизистондаги воқеаларда толибларнинг ҳам қўли борлиги аён бўлди. Халқаро террор раҳнамоларининг Афғонистондан паноҳ топиши, у ерда ҳарбий ўқув-машқ лагерлари ташкил этилиши юқоридаги фикрларнинг далилидир. Террорнинг ватани, миллати, дини бўлмайди. Бинобарин, БМТ Хавфсизлик кенгашининг толибларга нисбатан жазо чоралари қўллагани халқаро ҳамжамият хоҳиш-иродасининг ифодаси ҳисобланади.

Халқаро ҳамжамиятни ташвишга солаётган яна бир масала — гиёҳванд моддалар савдоси ва у билан боғлиқ муаммолар. Бугунги кунда Афғонистон гиёҳванд моддалар етиштирувчи улкан лабораторияга ўхшатилмоқда. Дунё бўйича етиштирилаётган ана шундай оғунинг 70-75 фоизи Афғонистонга тўғри келмоқда. Бу ерда етиштирилаётган наркотик моддалар дунёнинг турли бурчакларидаги "қора бозор"га кириб келмоқда. Яна бир муаммо, шубҳасиз, наркотик моддалар савдосидан тушаётган маблағ халқаро террорчиликнинг тегирмонига сув қуяётганидир.

Хавфсизлик кенгаши "Толибон"дан нафақат террорчиликни қўллаб-қувватлаш ёки гиёҳванд моддалар билан савдо-сотиқ қилишни тўхтатишни, балки инсон ҳуқуқларига риоя этиш, қуролли можароларга чек қўйиш ҳамда "Шимолий иттифоқ" билан музокара ўтказишни ҳам талаб қилаётир. Лекин толиблар қайсарликдан қайтмаяпти. Қайсарлик билан узоққа бориб бўлмаслиги эса маълум.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**



*Бугунги Прага.*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

6-8 декабр кунлари Украина президенти Леонид Кучманинг Москва, Париж ва Вашингтонга сафари бўлиб ўтади.

* * *

Германиялик дипломат Дитер Боден БМТнинг Грузиядаги янги махсус вакили этиб тайинланди.

* * *

Францияда Болқон муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бошланди.

* * *

АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг Европага ўн кунлик сафари ниҳоясига етди.

* * *

Сан-Паулу шаҳри аэропортида Жоржи Салиба исмли руҳоний 11 килограмм кокаин билан қўлга тушди.

* * *

Колумбияда одам ўғирлашга қарши кураш бўйича махсус хизмат вакиллари бир гуруҳ жиноятчилар томонидан гаровга олинган икки кишини қутқарди.

* * *

Руанда ҳукумати БМТнинг халқаро трибунали прокурори Карл дель Понтени мамлакат ҳудудига киришига рухсат бермади.

* * *

Нигерия ҳукумати бир неча кундирки, қабилалараро можаро тўхтамаётган Байелса штатига ҳарбий қисмларни юборишга қарор қилди.

* * *

Австралиянинг Мельбурн шаҳри полициячилари «қора бозор»да нархи бир миллион АҚШ долларига баҳоланадиган гиёҳванд моддани мусодара қилди.

* * *

Болгарияга ташриф буюрган АҚШ Президенти Билл Клинтон Европа Иттифоқининг кенгайишини қўллаб-қувватлади.

* * *

Ғазо сектори яқинидаги ал-Минтар назорат масканида Исроил ва Фаластин хавфсизлик хизмати раҳбарлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

* * *

Эфиопияда Африка мамлакатлари аёлларининг халқаро анжумани бошланди. Унда қитъанинг 53 мамлакатидан келган 1500 дан ортиқ вакил иштирок этмоқда.

* * *

Хитой жамоат хавфсизлиги органи томонидан жиноятчиликка қарши ўтказилган махсус тезкор тадбирлар сабаб, уч ой ичида қидирувда бўлган 230 минг нафардан ортиқ жиноятчи ҳибсга олинди.

### МУДДАТ УЗАЙТИРИЛДИ

**Перу ҳукумати мамлакатнинг бешта вилоятида фавқулодда ҳолат муддатини яна 60 кунга узайтирди. Мудофаа вазирлигининг маълумотига кўра, бу вилоятларда террорчи гуруҳлар ўз фаолиятини давом эттирмоқда. «Сандеро луминосо» номли жангарилар гуруҳи ва гиёҳванд моддалар билан савдо-сотиқ қилувчи жиноятчиларни тугатиш юзасидан назорат кучайтирилди.**

### ҲАРБИЙ ТЎНТАРИШГА ҚАРШИ ИСЁН

**Портлаш оқибатида 8 нафар одам ҳалок бўлди ва 15 киши яраланди. "Аль-Наваз" гуруҳи баёнотига кўра бу теракт 12 октябрда Покистонда содир бўлган ҳарбий тўнтариш ва Навоз Шарифнинг қамоққа олинишига қарши исён сифатида содир этилган. Гуруҳ аъзолари агар Навоз Шариф ҳукумат бошлиғи вазифасига тикланмаса бундай ҳаракатлар яна содир этилишини айтиб, дағдаға қилишмоқда.**

**Шариф етакчи бўлган партия раҳбарлиги «Аль-Наваз» гуруҳидан ажралиб чиқди ва унинг хатти-ҳаракатини қоралади, дея хабар беради Россия матбуоти.**

### ЖАНГЛАР ТЎХТАМАЯПТИ

**Чеченистондаги Федерал кучлар вакиллари беш мингдан ортиқ жангарилар Грозний ҳимоясига тайёрланаётганлиги ҳақида хабар берди. Россия ҳарбийлари Чеченистон пойтахтидан бир неча километр олисдаги масофада турибди. Бироқ улар шаҳарни тўла қуршаб олганлари йўқ. Унинг атрофидаги ҳудудларда жанглар давом этмоқда. Шунингдек, Грозныйни ўққа тутиш ва бомбардимон қилиш давом этмоқда. Қўшни Ингушетия томон бораётган қочоқлар оқими камаймаяпти.**

**Россия ҳукумати ўз назорати остидаги Чеченистоннинг ҳудудларида 65 та мактаб очилгани ва соғлиқни сақлаш муассасалари тикланаётгани ҳақида хабар тарқатди. Шунингдек бу ҳудудлар аҳолиси учун 20 тонна дори-дармон келтирилди, дея хабар беради «Би-Би-Си» радиоси.**

**ЎзА ва хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

*Қишлоқ тадбиркорлари*

## ҚИШЛОҚДАН — ХОРИЖГА

«Маданият» аҳоли пунктида ишбилармонларнинг сафи кенг. Улар Пахтаобод туманида биринчилардан бўлиб гузар ташкил этишди, ўзлари учун бозорча очишди. Айни пайтда бу ерда ўнлаб хизмат шохобчалари фаолият кўрсатмоқда. Яна бир янгилик. Яқинда «Маданият интернейшнл» қўшма корхонаси ташкил этилиб, унга қишлоқ аёллари жалб қилинди. Қўли гул чеварлар қисқа вақт ичида шим, кўйлак, иш кийимлари, ётоқ жамламалари тикишни ўзлаштириб олишди. Шуниси эътиборлики, қишлоқда тайёрланган маҳсулотлар Германия ва АҚШ каби хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Четга сотилган маҳсулот учун қўшма корхона ҳисобига ўн минг доллар маблағ келиб тушди. Яқин орада бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми янада ортади, янги иш ўринлари вужудга келтирилади.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ABN·AMRO

Мустақил Ўзбекистонда рақобатбардош банк тизимининг ривожланиши йўлида амалий қадамлар қўйилмоқда. Ҳукумат қарори билан банклар тизимидаги бир неча банкда ҳисоб рақами очиш ҳуқуқи каби муҳим тадбир қўллаб-қувватланди. 1999 йилнинг 1 декабридан бошлаб камида 200 нафар ходими бўлган корхоналар бу имкониятдан фойдаланишлари ва ўзлари учун иккинчи ҳисоб рақами очишга қайси банк қулай эканлигини аниқлаб олишлари мумкин.

Аминмизки, АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон АЖ худди шундай қулай банкдир. Энг боoбрў «Euromoney» молия журнали томонидан АБН АМРО Банк МБ Ўзбекистон АЖ 1999 йилда Ўзбекистондаги энг яхши банк сифатида тан олинган.

АБН АМРО Банк МБ ЎЗБЕКИСТОН А.Ж. —

*жамғармалар ҳақидаги ахборот сир тутилиши, сифатли, ишончли хизмат кўрсатиш кафолатини беради.*

*МИЖОЗЛАРИМИЗ САФИДА СИЗНИ ҲАМ КЎРИШДАН МАМНУНМИЗ ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ УМИДИДАМИЗ!*

*Бизнинг манзил: Тошкент ш., Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, Бизнес-комплекс, 4-подъезд. Телефон: 120-61-41.*

2294

Антибиотиклар ишлаб чиқарувчилар пешқадами — "ГУФИК-АВИЦЕННА" қўшма корхонаси таклиф этади.

ГИРОЦИД (Норфлоксацин), 400 мг, таблетка. Сийдик йўли мураккаблашган ва мураккаб бўлмаган инфекциялари ва гонореяни даволашда қўлланилади.

АМАКСИН (Амоксициллин), 250 мг, 2х10 капсула. Кенг шифобахш хусусиятга эга антибиотик. Юқори ва қуйи нафас йўллари инфекцияларига қарши восита.

МЕТРОНИДАЗОЛ таблеткалари, 200 мг. Трихомоноз, лямблиоз, амебиаз, анаэроб инфекцияларини, айниқса, жинсий аъзолар ва интестинал йўл инфекцияларини даволашда муваффақиятли қўлланилади.

ОЛИН (Ампицилин-тригидрат Б.Ф.), нафас йўллари инфекциялари, ошқозон, ичак йўли инфекциялари, септицимия ва синуситларни даволашда қўлланилади.

КОТРОКС (Ко-Тримоксазол), 480 мг. Сийдик йўллари, ошқозон-ичак йўллари ва нафас йўллари инфекциялари ва жинсий йўл билан ўтган инфекцияларни даволашда фойдаланилади.

СУКСИЛ (Цефалексин Б.Ф.), 250 мг, 3х10 капсула. Асосий кўрсаткичлари тери ва юмшоқ тўқималари инфекциялари, нафас йўллари инфекциялари, суяк ва бўғимлар инфекцияларига қарши муолажа воситаси.

"ГУФИК-АВИЦЕННА" Саломатлигингиз ҳақида қайғуради.

"ГУФИК-АВИЦЕНА", Бухоро ш., тел.: (3652) 26-17-30, 26-47-41, 26-14-11. "ГУФИК ЛТД", Тошкент ш., тел.: (3712) 68-93-40, 68-24-29.

2191

